ИММАНУИЛ КАНТ ВА ПЕДАГОГИКА

Раимберди Кудратуллоевич Хайтметов
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бола тарбияси ва педагогика борасидаги янгича қарашлар ҳамда XVIII аср олмон файласуфи Иммануил Кантпедагогик қарашлари қиёсий тарзда таҳлил қилинган. И. Кант таълим деганда билим ва кўникмаларни шакллантиришни назарда тутган ва уни жисмоний кучлар ҳамда ақлий қобилиятлар ривожи ва тартиб-интизом шаклланишини ўз ичига оладиган табиий тарбияга тааллуқли деб ҳисоблаган.

Калит сўзлар: педагогика, тарбия, таълим, ахлоқ, фалсафа, Кант.

IMMANUIL KANT AND PEDAGOGY

Raimberdi Kudratulloevich Khaytmetov
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

This article provides a comparative analysis of new views on child upbringing and pedagogy, as well as the pedagogical views of the eighteenth-century German philosopher Immanuel Kant. Kant meant education as the formation of knowledge and skills, and considered it to be a natural upbringing that included the development of physical strength and mental abilities and the formation of discipline.

Keywords: pedagogy, upbringing, education, ethics, philosophy, Kant.

КИРИШ

Тарихий даврлар билан бирга одамлар ҳам ўзгариб боради. Яъни уларнинг физиологиясидан тортиб то тафаккур тарзи ва дунёқарашига-ча [1]. Инсоният тафаккур тарзини ўзгаришида таълим соҳасининг ўрни беқиёсдир. Ҳозирда мамлакатимизда ҳам ҳам бу борада қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Шу боис педагогика соҳаси тарихи ва машҳур педагоглар фаолиятини ўрганиб бориш давр талабидир. Ана шу мақсадни амалга ошириш мақсадида мазкур мақолада 18 - асрнинг машҳур олмон файласуфи, олими ва педагоги Иммануил Кантнинг

бола тарбияси ҳамда педагогика борасидаги фикрлари замонавий педагогик ёндашувлар билан қиёсий тадбиқ этилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Немис классик фалсафасининг йирик намояндаларидан бири Иммануил Кант 22- апрель 1724 йилда Шарқий Пруссиянинг Кёнигсберг ҳозирги Россия Федерациясига қарашли Калининград шаҳарчасида дунёга келди. Унинг ота томонидан келиб чиқиши ҳақида 2 хил қараш бор. Биринчиси Шотландия ва иккинчиси Литва бўлиши ҳам мумкин. Онаси эса немис миллатига мансуб эди [2].

Кантнинг педагогик қарашлари унинг фалсафасидан келиб чиққан бўлиб, у асосан танқидга, рационалаизмга, императив (амалий) ахлоққа, агностицизмга, скептицизм (ҳар бир илмий назарияларга шубҳа билан қараш)га асолангандир [3].

“Шуни қайд этиш жоизки, И .Кантнинг амалий педагогика бўйича университетда ўкиган маърузалар курси (уни 1776 ва 1787 йиллар оралиғида камида тўрт марта ўқиган) тўлиқ ва мустахкам х ақиқий хамда амалий асосга эга бўлган. Тингловчиларнинг ёзув-қайдлари асосида қайта тикланган мазкур маърузалар унинг шогирди Ф.Т. Ринк томонидан И.Кантнинг ҳаётлик давридаёқ, 1803 йилда («И .Кант педагогика тўғрисида») номи остида нашр этилган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, биринчидан, И. Кант нашр қилиш учун тайёрланган матнни шахсан ўзи маъқуллаган; иккинчидан , унинг педагогикага оид асосий ғоялари қатор асарларида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, унинг фалсафий қарашларига тўлиқ мос келади” [4].

И.Кант таълим деганда билим ва кўникмаларни шакллантиришни назарда тутган ва уни жисмоний кучлар ҳамда ақлий қобилиятлар ривожи ва тартиб-интизом шаклланишини ўз ичига оладиган табиий тарбияга тааллуқли деб ҳисоблаган. Маориф эса одоб-ахлоқни шакллантиришга оид бўлиб, мактаб таълими ёки ўқитиш (маҳорат ҳосил килиш) ва прагматик тарбия (ақл-фаросатлиликка эришиш)дан фарқли ўларок, амалий тарбияга тааллуқлидир. Мана шу жойда алоҳида таъкидлаш лозимки амалий тарбия (амалий ахлоқ) масаласи шарқда ҳам бир қатор мутафаккирлар томонидан ҳам муаммо сифатида кўтарилган [5, 6].

И. Кант фикрича, таълимнинг асосий вазифалари - ижтимоий тартиб-интизом тарбияси, кўникмалар ҳосил қилиш , маданиятга эриштириш, маънавий-ахлоқий тарбиядир. И.Кант шахснинг маънавий юксалишига алоҳида аҳамият берар экан, табиий тарбиянинг ҳам муҳим эканлигини

уқдириб ўтади. У академик ва меҳнат таълимини бирга қўшиб олиб бориш зарурлиги тўғрисида фикр билдирган. Кантнинг мана шу фикри ҳозирги замонавий таълимга ҳам тадбиқ этилади яъни назария билан амалиётни бирга олиб бориш масаласи. Олий таълимда ҳам амалиёт соатлари йил сайин кўпайиб бораётгани ҳам бунга яққол мисолдир.

Кант иннсонни тарбнялаш мумкин, деган ғояни асос қилиб олган. Маърифат инсонни табиий ҳолатдан чиқариб, уни хушахлоқ мавжудотга айлантиради, ўз ақлидан фойдаланишга ўргатиб, озодликка эриштиради. Таълим ва тарбия мана шу мақсадларни амалга оширишнинг асосий воситаларидир. Улар инсонни билим билан қуроллантириб, ҳаётга ва амалий фаолиятга тайёрлашлари лозим.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кант таълимоти асосида ўз ақл-идрокидан фойдаланадиган инсон мужассамдир. Яъни, сўраб-суриштирадиган, танқидий кўз билан қарайдиган, фикр-мулоҳазалари наинки ўзи, балки бутун жамият учун хам ярай оладиган маънавий қадриятлар асосида таркиб топган билимли, ўкимишли, маърифатли инсон. Шунинг учун ҳам Кант педагогикасининг негизини ана шундай инсонни тарбиялаш масаласи ташкил этади. Тарбия деганда ҳамиша яна кандайдир мажбурият шакли хам тушуниладики, бунинг боиси болаларни хавф-хатарлардан ҳимоя килиш лозимлиги ва уларни ҳар доим ҳам ўз ихтиёрларига кўйиб бўлмаслигидадир. Хўш, энди вақтинча мажбурият билан инсоннинг ўз эрк-иродасини намоён этиш қобилиятини қандай қилиб бир-бири билан боглаш, уйғунлаштириш, бирга кўшиб олиб бормок мумкин? Шубҳасиз, ушбу савол ҳозирги замон педагогларини ҳам ўйлантирадиган масалалардан ҳисобланади. Зеро, мазкур масала юзасидан Кант билдирган асосий фикр ва мулоҳазалар бугунги кунда ҳам долзарбдир.

Кантнинг уқтиришича, ахлокий тарбиядаги «қулларча мажбурият» одамни муте килиб кўяди, у ҳамма нарсага унинг асл маъно ва мазмун-моҳиятини тушунмаган ҳолда механик тарзда бўйсуна бошлайди. Ҳар бир киши ўзи учун биргаликда бамаъни хаёт кечиришга олиб борадиган конун-коидаларни кашф этмоғи лозим. Бунинг учун у, тарбиянинг барча мажбуриятлари билан бирга доимо ўзи мустакил карор кабул кила олиш эркинлигини ҳам ҳис этмоғи зарур. Ана шундагина ташки мажбуриятга асосланган оддий интизомдан ҳақикий ўз-ўзини англаш асосида коидаларни кўллай билиш ва мажбуриятларга амал килиш кўникмаси ҳосил бўлади. Ана шундагина бола кейинчалик ўз эркинлигидан ижобий фойдаланишга, яъни

ўзини ўраб турган жамиятга ва бошқаларнинг эркинлигига хурмат билан муносабат билдиришга кодир бўлади.

Билимларни маъносига тушуниб етмай, курук ёдлаб олиш билангина болани ўқимишли инсон килиб тарбиялаб бўлмаслиги ҳакида Кант билдирган фикр хам худди мана шу нарса билан боғликдир. Қурук ёдлаш оркали ақлли, чиройли сўзлаш ва худди билимли инсондек таассурот колдириш мумкиндир балки, лекин бундай йўл билан янги илм яратиб бўлмайди. Чунки унда ўрганилаётган соҳага чукур кириб борилмайди, ҳакикий акл идрок, зеҳн йўколади. Бундай киши эса буюк ишлар килишга кодир бўлолмайди [7]. Айниқса, бугунгидек мураккаб замон шароитида. Жамият табақалашиши туфайли ишлаб чиқариш даражаси бир неча баробар ортди, бу эса ҳар бир шахснинг ҳар кадамда мисли кўрилмаган муаммоларга дуч келишига сабаб бўлмокда. У бу муаммоларни мустақил ва ижодий тарзда хал этмоғи, жасорат намуналарини кўрсатмоғи, керак бўлса, муваффақиятсизликларга ҳам тайёр турмоғи, баъзан эса синалмаган, қалтис йўллардан хам юриб бормоги лозим бўлади. Айнан шу йўл билангина тараққиётни сақлаб қолиш мумкин.

Булар - бугун ҳар қачонгидан хам кўра кўпроқ эътибор бериш зарур бўлган энг муҳим фикрлардир. Билимларга нисбатан танкидий муносабатга кўмаклашиш, болалар шахсиятини камол топтириш, уларнинг ахлоқ асосидаги акл-идрокини ўсишида кўллаб-қувватлаш, — бу уларни муттасил ўзгариб бораётган дунёга мослашишга қодир бўлган билимли инсонлар килиб тарбиялашнинг ягона йўлидир. Муайян соханинг маъносини, мазмун-моҳиятини чукур тушуниб етган кишигина янгилик олдида эсанкираб [8] қолмайди, аксинча, у бундан қандай фойдаланишни ўрганади. Замоиавий дунё учун бу элементар (энг оддий) қобилият саналади. Наинки бетўхтов ўзгараетган илм-фан янгидан-янги талаб ва имкониятларни келтириб чиқараётган иқтисодиёт соҳасида, балки ижтимоий ҳаётда ҳам, чунки у ҳам мисли кўрилмаган тезлик билан ўзгариб бормокда. Демографик таркиб ўзгаришлари, миграция оқимлари, оила ва яхши ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларнинг ўзгариб бориши - буларнинг барчаси шундай таассуротлар сирасига киради ки, уларга нисбатан одамлар ҳамиша ва ҳар доим ўзларини мослаб, созлаб боришларига ҳамда янгича мувозанат сақлашларига тўғри келади. Бунга эса, аввалги билимларига мос келмай қолгани учунгина янгиликдан кўз юмиш ўрнига, аксинча, уни маънавий қадриятларга таянган ҳолда ўрганиб, унга янгича баҳо бера оладиган кишигина муваффақ бўлади.

ХУЛОСА

Кант таълим келажак сари йўналтирилган бўлмоғи ва ўз олдига дунёда эзгулик ва мукаммалликни мақсад килиб қўймоғи лозимлигини талаб қилади, чунки акс ҳолда жамият келгусида ривожланолмай колган бўларди.

Ҳозирда Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларни амалда бажаришда, иқтисодий ва сиёсий лаёқатимиз қанчалик ролга эга бўлса, ахлоқий омил ҳам, шу даражада ўринга эгадир. Бунинг сабаби давлат миқёсидаги йиғилишлардан тортиб то кичик бир ташкилот йиғилишлариниг барчасида биринчи навбатда, ходимларнинг ахлоқий ҳолати муаммоси кўриб чиқилади. Яъни унда берилган вазифаларни ўз вақтида бажармаслик ва ёки ўз лавозим вазифасига совуққонлик билан қараш ва ҳоказолар кўриб чиқилади. Шундай экан ахлоқ ва тарбия масаласи бугун ҳам, ҳар доимгидек биринчи ўриндаги муаммолардан биридир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда қўйдагича хулоса қилиш мумкин. Агар замонга ва ёки кун сайин янгилаб бораётган техноген цивилизацияга фарзандларимизни билим ва руҳий борада тайёрлаб бормас эканмиз, улар руҳий борада турли кризисларга учраши мумкин. Ва ҳаттоки бу кризис фожеа билан тугашини йилдан-йилга сон жиҳатдан ортиб бораётган суицид ҳолатлари ҳам яққол мисол бўла олади [9]. Зеро бизнинг жамиятимизнинг энг олий мақсадларидан бири ҳам замонвий (modern) давлат ва жамият қуришдан иборатдир [10].

REFERENCES

1. Хайтметов, Р. (2020). Иммануил Кант фалсафасида олам ва одам муаммоси. *Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси*, *5*, 71-74.
2. Золотых, Н. В., & Хайтметов, Р. К. (2020). Условия формирования компетентности будущего педагога в личностно-развивающей воспитательной деятельности. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(2), 113-119.
3. Makhmudov, K. (2020). Innovative Cluster of Pedagogical Education: Common Goals and Specific Interests. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(2), 182-187.
4. Eshchanov, B., & Matyakubov, K. (2020). Using of Information and Communication Technologies in the Teaching of the School Course in General Physics. International Journal of Scientific & Technology Research (IJSTR), 9(02), 4119-4124.

5. Eshchanov, B. K., & Arzikulov, Z. K. (2020). Using information technology in the teaching of atomic physics in higher educational institutions. *International Journal of Scientific & Technology Research*, *9*(2), 6218-6222.
6. Джабборова О. М. И Умарова З. А. (2020). Педагогические конфликты у младших школьников-как важная социально-педагогическая проблема. *Твердотельная Технология, 63*(6), 235-241.
7. Хайтметов, Р. К. (2020). Иммануил кант фалсафасида инсон ва ахлоқ масаласи. *Ilm sarchashmalari*, (7), 13-15.
8. Gafforova, G. G., Khaitmetov, R. K., & Madalimov, T. A. (2020). A STRATEGY OF ACTION AS A COMPLEX SYSTEM. *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*, *90*(10), 448-452.
9. Khodjamkulov, U. N. (2019). Pedagogical Education Cluster as a Scientific and Pedagogical Problem. *Modern Education*, *10*, 12-17.
10. Jabborova Onahon Mannopovna, Jumanova Fatima Uralovna, & Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of Artistic Perception of Future Teachers. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, *24*(4), 4087-4095.